ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD. 05/13.05.2020.T.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

КАМБАРОВ БАХТИЁР АКБАРАЛИЕВИЧ

ТЎРТ ҒИЛДИРАКЛИ ЧОПИҚ ТРАКТОРИНИНГ МАНЁВРЧАНЛИГИ ВА ЎТУВЧАНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ-ТЕХНИК АСОСЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Гулбаҳор – 2022

УЎК 631.372

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD. 05/13.05.2020.T.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

КАМБАРОВ БАХТИЁР АКБАРАЛИЕВИЧ

ТЎРТ ҒИЛДИРАКЛИ ЧОПИҚ ТРАКТОРИНИНГ МАНЁВРЧАНЛИГИ ВА ЎТУВЧАНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ-ТЕХНИК АСОСЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2021.4. DSc/Т376 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.uzmei.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Ахметов Адилбек Агабекович,** техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Ауезов Онгарбай Пирлешович,** техника фанлари доктори, профессор
	Мухитдинов Акмал Анварович, техника фанлари доктори, профессор
	Асқарходжаев Тўлқин Ишанович, техника фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги PhD. 05/13.05.2020.Т.112.01 рақамли илмий кенгаш асосида тузилган фан доктори (DSc) илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «24» июн соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 110801, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (+99870) 601-07-04, факс: (+99870) 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz).

Диссертация билан Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (460 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 110801, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (+99870) 601-07-04.)

Диссертация автореферати 2022 йил «10» июн куни тарқатилди.
(2022 йил «10» июн даги 21 рақамли реестр баённомаси).

М.Т.Тошболтаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.А.Ибрагимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., катта илмий ходим

А.Тўхтақўзиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон машинасозлигида универсал-чопиқ тракторлари базасидаги машина-трактор агрегат(МТА)ларининг иш кўрсаткичларини ошириш етакчи ўринни эгалламоқда. «Дунё миқёсида бугунги кунда чопиқталаб экинлардан ғўза 29,2 млн. гектар майдонда экилиб, ҳар йили 22,8 млн. тоннадан ортиқ пахта толаси[1] ва 183,3 млн. гектар майдондаги маккажўхоридан гектарига ўртача 49,0 центнердан[2] ҳосил олинишини» ҳисобга олсак, бундай баланд бўйли экинларни етиштиришда кенг қамровли қишлоқ хўжалик машиналари билан агрегатланадиган агротехник тирқиши баланд, манёврчанлиги ва ўтувчанлиги юқори тўрт ғилдиракли чопиқ тракторларини яратиш, ишлаб чиқариш ва жорий этиш зарурати пайдо бўлмоқда. Шу боис бундай илмий-техник муаммонинг ечимини топишга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда ғўза ва бошқа баланд бўйли экинлар уруғларини экиш, ўсимликларни парваришлаш, қатор ораларига ишлов бериш, ҳосилни йиғиштириш каби тадбирларда фойдаланиш учун агротехник ўтувчанлиги ва манёврчанлиги юқори янги турдаги тўрт ғилдиракли чопиқ трактораларини яратишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан тўрт ғилдиракли чопиқ тракторлари учун баланд агротехник тирқишли портал турдаги олдинги ўқ ва етакчи кўприк ҳамда рул юритмаларининг конструкцияларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ресурсларни тежаш, меҳнат ва энергия сарфини камайтириш, қишлоқ хўжалиги экинларини илғор технологиялар асосида етиштириш ва юқори унумли қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 апрелда тасдиқланган “Қишлоқ хўжалигининг устувор йўналишлари, глобал, минтақавий ва ҳудудий муаммоларнинг илмий ечимларини тадқиқ қилиш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастури”да[3] жумладан, “Ғилдиракларнинг кўндаланг базаси 60, 76 ва 90 см кенгликдаги ғўза қатор ораларига мос равишда ростланадиган тўрт ғилдиракли универсал чопиқ тракторининг тажриба нусхасини яратиш” белгилаб қўйилган. Бу илмий-муҳандислик топшириғини бажариш учун тўрт ғилдиракли чопиқ тракторининг манёврчанлиги ва ўтувчанлигини оширишнинг илмий-техник асосларини ишлаб чиқиш, уларни лойиҳалаш ва машинасозлик амалиётига жорий қилиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини

---

[1] http://cotcorp.gov.in/shares.aspx
[2] http://www.nue.okstate.edu/Crop_Information/World_Wheat_Production.htm
[3]Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 апрелда тасдиқланган “Қишлоқ хўжалигининг устувор йўналишлари, глобал, минтақавий ва ҳудудий муаммоларнинг илмий ечимларини тадқиқ қилиш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастури.

ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 10 майдаги 3712-сон «Қишлоқ хўжалигини ўз вақтида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Ғилдиракли тракторларнинг конструкцияларини такомиллаштириш ва параметрларини асослаш, улар базасида тузилган МТАларнинг манёврчанлигини ошириш, барқарорлиги ва бошқарувчанлигини яхшилашга йўналтирилган кенг қамровли илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан University of Arizona, (Tucson, USA), Cornell University (Ithaca, N.Y, U.S.A), Purdue University (Purdue, U.S.A), Kansas State University (Kansas, U.S.A), Nebraska University, Nebraska Tractor Test Laboratory (U.S.A), Hokkaido University (Japan), Seoul National University (Seoul, South Korea), China Agricultural Engineering University (Beijing, China), Harbin Agricultural Mechanization Institute (Harbin, China), Technical University (Berlin, Munchen, Germany), AFRC Institute of Engineering Research (Silsoe, Bedfordshire, United Kingdom), Academy of Agriculture (Wroclaw, Poland), Research Institute of Agricultural Machinery (Prague, Czechoslovakia), Белорусия миллий техника университети, Белорусия қишлоқ хўжалигини механизациялаш миллий академияси, Украина қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти, Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университети, «МАМИ», Санкт-Петербург давлат аграр университети ва бошқаларда олиб борилмоқда.

Жаҳонда универсал чопиқ тракторларининг олдинги ўқи, етакчи кўприк ва рул юритмаларининг мақбул параметрларини асослашга оид олиб борилган илмий-тадқиқотларда тракторларнинг манёврчанлиги, ҳаракат барқарорлиги ва бошқарилувчанлик кўрсаткичлари ўрганилган (Nebraska Tractor Test Laboratory, Seoul National University, China Agricultural Engineering University, AFRC Institute of Engineering Research, Белорусия миллий техника университети, Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университети), олдинги кўприк рул юритмаларининг ихчамлаштирилган янги турлари, баланд клиренсли олдинги ўқ ва етакчи кўприкларнинг замонавий конструкциялари ишлаб чиқилган (Nebraska University, Purdue University, Munchen Technical University), олд ички ғилдиракларни 55-65° оралиқда бурилиши таъминланган (Nebraska University, Cornell University, China Agricultural Engineering University).

Дунё миқёсида илмий ҳажмдор универсал чопиқ тракторларни ишлаб чиқариш бўйича МТЗ, ВТЗ, ЛТЗ, John Deere, Claas, Case New-Holland, Fiat, Renault, Massey-Ferguson, YTO, Fendt, Deutz-Fahr, McCormick каби фирмалар етакчи ўринни эгаллайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Универсал-чопиқ тракторларининг рул юритмалари, олдинги ўқи ва етакчи кўприк конструкция ва параметрларини такомиллаштириш, уларнинг ўтувчанлик хосса ва кўрсаткичларини яхшилаш, агрегатларнинг манёврчанлиги, ҳаракат барқарорлиги ва бошқарувчанлигини ошириш, дала майдонида мақбул ҳаракатланиш усулларини танлаш бўйича хорижда Д.А.Чудаков, Е.В.Михайловский, С.А.Иофинов, В.А.Скотников, В.В.Гуськов, В.Ф.Коновалов, И.И.Трепененков, И.П.Полканов, Г.А.Смирнов, В.Ф.Платонов, В.И.Фортуна, J.Y.Wong, M.G.Bekker, I.Demšar, R.Bernik, J.Duhovnik, M.G.Yisa, H.Terao, K.T.Renius, M.A.Miller, B.L.Steward, M.L.Westphalen, T.Szakács, V.L.Schein, Z.Yu, Z.Zhao, H.Chen, L.A.Smith, R.L.Scharfer, R.E.Young, A.M.Sarhan, H.S.Al-Katary, M.N.El-Awady, Y.Zhang, R.L.Kushwaha, F.W.Bigsby, R.H.Macmillan, L.Victoria, J.Reimpell, Ўзбекистонда Е.Ф.Дворцов, Ю.Л.Колчинский, О.В.Лебедев, С.М.Бозоров, А.И.Кильдеев, С.М.Давшан, И.Марупов, Г.Г.Расулов, Е.М.Кабанова, Т.А.Якубов, Г.Я.Цай, С.В.Мальков, С.Н.Шафигуллин, Х.Х.Хайруллаев, В.П.Логачев, Д.И.Хошимов, И.С.Турсунов, А.А.Ахметов, Ш.А.Ахмедов ва бошқалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Бу тадқиқотларда 3К2, 4К2 ва 4К4 ғилдирак формулали чопиқ тракторларининг минимал бурилиш радиусини таъминлайдиган рул юритмаларининг кинематик схемалари, олдинги ўқи, етакчи кўприкларининг асосий параметрлари, уларга таъсир этаётган кучларни назарий ва тажрибавий усуллар орқали аниқлаш бўйича қимматли натижалар олинган. Аммо кенг қамровли қишлоқ хўжалик машиналари билан агрегатланадиган тўрт ғилдиракли (4К2 ва 4К4) пахтачилик чопиқ тракторларининг манёврчанлигини ошириш, шу мақсадда уларнинг баланд агротехник тирқишга эга портал турдаги олдинги ўқи, етакчи кўприги, рул юритмасини такомиллаштириш, тракторларнинг дала боши ва охирида бурилиш усулларини танлаш каби илмий-техник масалалар комплекс тарзда тадқиқ этилмаган ҳамда тизимли равишда ечилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти режасига киритилган КА-3-007 «Кенг қамровли машиналар билан ишлатиладиган 4К2 ва 4К4 универсал пахтачилик чопиқ тракторини манёврчанлик сифатларини ошириш мақсадида портал турдаги олд кўприги ва рул юритмасининг параметрларини илмий асослаш» (2012-2014 йй.), КХА-3-026-2015 «1,4-2,0 синфдаги тўрт ғилдиракли пахтачилик тракторига фаол, баланд клиренсли, портал турдаги олд кўприкнинг конструктив параметрларини ишлаб чиқиш ва 0,9 ва 0,6 m ғўза қатор ораларида унинг агротехнологик тавсифларини тадқиқ этиш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий ва ҚХИ-2-006-2016 «1,4 синфдаги тўрт ғилдиракли универсал пахтачилик чопиқ тракторига портал турдаги баланд клиренсли олд кўприкнинг саноат нусхаларини тайёрлаш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш» (2016-2017 йй.) мавзусидаги инновация лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кенг қамровли экиш ва чопиқ агрегатлари таркибида ишлатиладиган тўрт ғилдиракли чопиқ тракторининг манёврчанлиги ва ўтувчанлигини оширишнинг илмий-техник асосларини ишлаб чиқиш ва шу орқали уларнинг иш сифат кўрсаткичлари ҳамда самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тракторларнинг манёврчанлиги ва ўтувчанлигини ошириш ҳамда улар билан кенг қамровли машиналарни агрегатлаш масалаларини ечиш бўйича илгари бажарилган илмий-тадқиқот ишларини таҳлил этиш;

4К2 ва 4К4 ғилдирак формулали тракторларнинг ўтувчанлиги, турғунлиги ва манёврчанлигини таъминлайдиган портал турдаги олдинги ўқ, етакчи кўприк ва рул юритмалари ҳамда уларнинг бурилиш радиусига доир назарий изланишларни бажариш;

баланд агротирқишли портал турдаги олдинги ўқ ва етакчи кўприкка эга тўрт ғилдиракли (4К2 ва 4К4) тракторларнинг тажриба нусхаларини ишлаб чиқиш;

лаборатория-дала шароитида тажрибавий тракторларнинг манёврчанлигини ўрганиш, уларнинг кенг қамровли сеялка ва култиваторлар таркибида турли хил бурилиш усулларини амалга оширишини, берилган йўналиш бўйича барқарор ҳаракати, бошқарувчанлик сифатларини таъминлаш бўйича тадқиқотларни олиб бориш;

кенг қамровли машиналари билан агрегатланадиган тракторларнинг юриш қисмларига тушаётган тик юкланишларнинг меъёр талабларига мослигини баҳолаш;

баланд агротирқишли чопиқ тракторининг дала синовларини ўтказиш, бунда унинг ғўза қатор ораларига кира олиши, ниҳолларни шикастлаши, ҳосилни тўкиш даражаси каби сифат кўрсаткичларини мавжуд уч ғилдиракли (3К2) тракторники билан таққослаш;

тажрибавий ва мавжуд чопиқ тракторларининг технологик жараёнларни бажаришдаги агротехник, техник-эксплуатацион кўрсаткичлари ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида кенг қамровли сеялка ва култиваторлар билан агрегатлана оладиган баланд агротехник тирқишли, 4К2 ва 4К4 ғилдирак формулали чопиқ тракторлари ва уларнинг таркибий қисмлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети тракторнинг олдинги кўприги ҳамда рул юритмаларининг параметрлари ва техник–эксплуатацион кўрсаткичлари ҳамда улар орасидаги муносабатларни ифодаловчи математик моделлар ва аналитик боғланишлар, тракторнинг мақбул бурилиш усуллари, иш сифати ва унумидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий механика, олий математиканинг асосий қонунлари, математик статистика ва тензометрия усуллари ҳамда мавжуд меъёрий ҳужжатларда (ГОСТ 26025-83, ГОСТ 20915-2011, O'z Dst 3090:2016, ГОСТ 24096-80, ГОСТ 7057-2001, ГОСТ 7463-2003) белгиланган усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

4К2 ва 4К4 ғилдирак формулали чопиқ тракторларининг баланд агротехникавий тирқишли портал турдаги олдинги ўқ ва етакчи кўприк конструкциялари тракторларнинг ғўза қатор ораларига мос тушиши ва етилган ўсимликларни минимал шикастланиш мезонлари асосида ишлаб чиқилган;

тўрт ғилдиракли чопиқ тракторининг манёврчанлик сифатлари йўналтирувчи ғилдираклар, олдинги ўқ ва етакчи кўприк ҳамда рул трапецияларининг параметрларига боғлиқ равишда аниқланган ва баҳоланган;

тўрт ғилдиракли чопиқ трактори базасида тузилган кенг қамровли МТАнинг энг кичик бурилиш радиуси унинг қайрилиш жараёнларини ифодаловчи аналитик боғланишлар ёрдамида топилган;

баланд агротирқишли чопиқ тракторига ўрнатилган шиналарнинг тури ва параметрлари тракторнинг агротехнологик ва кинематик кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда ҳолда асосланган;

чопиқ тракторларининг кўндаланг статик турғунлик кўрсаткичлари унинг ғилдирак формулалари асосида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тўрт ғилдиракли чопиқ тракторларининг манёврчанлиги ва ўтувчанлигини ошириш мақсадида баланд клиренсли портал турдаги олдинги ўқ ва етакчи кўприк конструкциялари ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган баланд агротехник тирқишли чопиқ трактори амалиётда қўлланилганда иш унумининг ортиши, меҳнат, энергия ва ресурс сарфларининг камайиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги аналитик тадқиқотларни назарий механика ва олий математиканинг қонун ва қоидалари асосида бажарилганлиги, тажрибавий тадқиқотларни самарали усул ва воситалардан фойдаланиб ўтказилганлиги, уларда олинган натижаларнинг бир-бирига мослиги, таклиф ва тавсияларни амалиётга жорий этилганлиги, иш самарасини ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги ҳамда баланд клиренсли портал турдаги олдинги ўқ ва етакчи кўприкли тракторлар (4К2 ва 4К4) синовларининг ижобий натижалари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти портал турдаги олдинги ўқ, етакчи кўприк ва рул юритмасининг параметрларини йўналтирувчи олд ғилдираклар бурилиш бурчаги ва радусига боғлиқлик қонуниятларини очиб берувчи механик-математик моделлар ва аналитик боғлиқликлар олинганлиги ҳамда улардан чопиқ тракторларини такомиллаштиришга доир янги тадқиқотларни ўтказишда методик қўлланма сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Баланд агротирқишли олдинги ўқ ва етакчи кўприк билан жиҳозланган 4К2 ва 4К4 формулали чопиқ тракторларининг тажриба нусхаларини ясалганлиги, уларнинг ғўза қаторларига мос тушиши, кўчатларнинг шикастланиш даражасини камайиши, ҳаракат барқарорлиги, бошқарувчанлиги, экологик ва хавфсизлик талабларини бажарилиши ҳамда олти қаторли экиш ва култивациялаш агрегатларининг иш унумини тўрт қаторли аналогларга нисбатан 40-60 фоизгача ошганлиги тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кенг қамровли машиналар билан агрегатланадиган баланд агротехник тирқишли тўрт ғилдиракли чопиқ тракторларини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

чопиқ тракторларининг олдинги ўқ ва етакчи кўприкларининг янги техник ечимларига Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патент(№FAP 00893, №FAP 00971, №FAP 01531)лари олинган. Натижада кенг қамровли машиналар билан агрегатланадиган, бандлик даражаси юқори 4К2 ва 4К4 ғилдирак формуласидаги истиқболли чопиқ тракторларининг манёврчанлиги, ўтувчанлиги ва барқарор ҳаракатини оширадиган агротехник тирқиши баланд олдинги ўқ ва етакчи кўприкнинг конструктив схемаларини ишлаб чиқиш имкони яратилган;

баланд агротехник тирқишли (4К2 ва 4К4) чопиқ тракторлари Янгийўл ва Қуйичирчиқ туманлари фермер хўжаликлари ва ҚХМИТИ тажриба хўжалиги далаларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 28 августидаги 02/023-3564-сон маълумотномаси). Натижада ёнилғи сарфи 9 фоизга ва меҳнат сарфи 23,1 фоизга ҳамда тўғридан-тўғри эксплуатацион харажатлар 18,1 фоизга камайган;

4К4 ғилдирак формулали баланд агротехник тирқишга эга чопиқ трактори Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш маркази (ҚТТСМ)да синовлардан ўтган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 28 августидаги 02/023-3564-сон маълумотномаси). Натижада тракторнинг кўндаланг турғунлигини меъёр талабларга мослиги ва қатор ораларидаги ниҳолларга зарар етказмасдан ишлов бераолиши исботланган;

баланд агротехник тирқишли олд ўқ ва етакчи кўприк ҳамда рул юритмаларининг лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари (техник топшириқлар ва чизмалар) ва ҳисоблаш усуллари «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» АЖ ва «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик-технологик маркази» МЧЖда лойиҳалаш жараёнига жорий этилган («Трактор» Махсус конструкторлик бюросининг 2014 йил 24 декабрдаги

26-534-сон ва «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик-технологик маркази» МЧЖнинг 2020 йил 22 декабрдаги 405-сон маълумотномалари). Натижада тўрт ғилдиракли чопиқ тракторининг манёврчанлиги, ўтувчанлигини ва турғунлигини оширадиган баланд агротехник тирқишли олд ўқ ва етакчи кўприк ҳамда рул юритмаларини ишлаб чиқариш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 16 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 50 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган. Янги илмий-техник ечимлар Ўзбекистон Республикасининг бешта патенти билан ҳимояланган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 196 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Муаммонинг қўйилиши ва тадқиқот вазифалари»** деб номланган биринчи бобида чопиқ тракторларининг манёврчанлиги, ўтувчанлиги, ҳаракат барқарорлиги ва бошқарувчанлиги, тўрт ғилдиракли портал турдаги олдинги ўқ ва етакчи кўприклар ҳамда рул юритмалари конструкциялари бўйича мамлакатимиз ҳамда хорижда олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлил этилган ҳамда тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг **«Чопиқ тракторларининг манёврчанлиги, ўтувчанлиги ва турғунлигини ошириш бўйича назарий тадқиқотлар»** деб номланган иккинчи бобида тўрт ғилдиракли чопиқ тракторларининг олдинги ўқи ва етакчи кўприги ва рул юритмаларининг параметрларини асослаш ва улар асосида тузилган кенг қамровли экиш ва култивациялаш агрегатларининг манёврчанлик хоссаларига, шиналар ўлчамларининг ғилдирак юритмалари кинематик нисбатларига ва кўндаланг статик турғунлик кўрсаткичларига таъсирлари бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Тўрт ғилдиракли трактор қайрилиш жараёнида дала майдонининг юзасида тўртта алоҳида-алоҳида из ҳосил қилади ва *O* нуқта атрофида бурилади (1-расм). Минимал радиусда қайрилиб олишга тракторнинг орқа етакчи ички ғилдирагини тормозлаш орқали эришиш мумкин. Олд йўналтирувчи ташқи ғилдиракнинг минимал бурилиш радиуси:

$$R_{T\min} = \frac{L}{\sin\beta_T} + a_ц \ (1);\ R_{T\min} = \sqrt{L^2 + \left(R_н + 0{,}5M\right)^2} + a_ц \ (2);\ R_н = L \cdot ctg\left(\beta_{ўр} - \delta_c\right), (3)$$

бунда L –тракторнинг бўйлама базаси, m; $a_ц=(B–M)/2$ – ғилдирак ўртасидан ўтказилган текислик билан бурилиш цапфасигача бўлган масофа, m; B–колея, m; M – буриш цапфалари валлари(шкворенлари)нинг ўқлари орасидаги масофа, m; $R_н$ – номинал бурилиш радиуси, m; δ_c – трактор олдинги ғилдиракларнинг ёнга сурилиш бурчаклари, °.



1-олд ва 2-орқа ғилдиракларнинг излари

1-расм. Тўрт ғилдиракли тракторнинг бурилиш схемаси

Тўрт ғилдиракли тракторнинг олд кўприк йўналтирувчи ички ғилдираги маълум бир $\beta_И$ бурчакка бурилганда ташқи ғилдирак мос равишда β_T бурчакка бурилади:

$$\beta_T^{наз.} = arcctg\,\frac{M + Lctg\beta_И}{L}. \quad (4)$$

(1), (2), (3) ва (4) ифодалар бўйича тўрт ғилдиракли тракторларнинг асосий параметр(L, B_1, M, $a_ц$) ларидан фойдаланиб, ташқи ғилдиракнинг бурилиш β_T бурчаклари ва бурилиш R_T радиусларининг назарий қийматларини аниқланади.

Кейс 4240X, Беларус 80.1 ва ТТЗ-810 тракторларининг синов натижалари ва техник тавсифлардан уларнинг олд йўналтирувчи кўприк ички ғилдирагининг бурилиш бурчаги $\beta_И$ мос равишда 55°; 40°12′ ва 41°30′ бўлганда (4) ифодага асосан ташқи ғилдиракнинг бурилиш бурчаги β_T мос равишда 36°24′; 29°44′ ва 30°13′ чиқади. (1), (2), (3) ифодаларга биноан олд йўналтирувчи ташқи ғилдиракнинг бурилиш радиус R_T лари тракторлар бўйича мос равишда: орқа етакчи ички ғилдирак тормозланмаганда 3,90 m, 5,19 m ва 4,89 m, тормозланган ҳолат учун эса 3,59 m, 4,70 m ва 4,44 m га тенг бўлади. Ҳисоблаш натижалари билан олд йўналтирувчи ички ғилдиракнинг бурилиш бурчаги $\beta_И$=55° деб қабул қилинди.

Мавжуд ТТЗ-810 (4К2) тракторининг бўйлама базаси L=2000–2800 mm ва колеясининг B=1200-2000 mm оралиқларида бурилиш радиуси R_{Tmin} ни олд йўналтирувчи ғилдиракларни бурилиш бурчакларига боғлиқлиги ўрганилди. Бунда $\beta_И$=55° ва $a_ц$=220 mm деб олиниб, R_{Tmin} нинг қийматлари (1)–(4) ифодалар бўйича аниқланди (2-расм).



Орқа етакчи ички ғилдирак:
1-томозланмаган,
2-тормозланган

2-расм. Трактор ташқи ғилдирагининг бурилиш радиуси R_T ни унинг бўйлама базаси L га боғлиқ равишда ўзгариш графиклари

Трактор бўйлама базаси L=2000 mm бўлганда бурилиш радиуси R_{Tmin}: орқа етакчи ғилдирак тормозланмаганда – 3,19 м ва тормозланган ҳолат учун эса – 2,99 м. L=2800 mm бўйлама базага тўғри келувчи бурилиш радиуси R_{Tmin}: орқа етакчи ғилдирак тормозланмаганда – 4,72 м ва тормозланганда – 4,37 м. Аммо L=2800 mm бўлганда уни бўйлама габарити ортиб, тракторни манёврчанлиги камаяди ва қайрилиш майдони катталашади.

Тадқиқотлар ва синов натижаларига кўра тракторнинг турғунлигини таъминлаш учун $L=1{,}1L_{min}=1{,}1\cdot 2000=2200$ mm (бунда L_{min}–тракторнинг минимал бўйлама базаси, mm) бўлиши керак. Лекин ишчи машиналарни чопиқ тракторининг бўйлама базаси оралиғига жойлаштириш ва уни турғунлигини ошириш мақсадида бўйлама база L=2300-2500 mm, олд йўналтирувчи ички ва ташқи ғилдиракларининг максимал бурилиш бурчаклари мос равишда $\beta_{Иmax}$=55° ва β_{Tmax}=36°, минимал бурилиш радиуси R_{Tmin}<4,0 m бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Кенг қамровли МТАнинг дала боши ва охирида комбинациялашган очиқ сиртмоқли ҳамда сиртмоқсиз ярим айлана бўйича қайрилиб олиши турларида агрегатнинг қайрилиш майдонининг эни $E_б$ =5,02 ва 4,75 m ва қайрилиш йўлининг узунлиги эса $l_б$=15,30 ва 16,70 m. Тракторнинг номинал бурилиш радиуси $R_н$=3,15 m, йўналтирувчи олд ташқи ғилдирак бўйича бурилиш радиуси эса R_T=4,75 ва 4,73 m.

Тўрт ғилдиракли трактор минимал бурилиш R_{Tmin} радиусининг қийматлари олд йўналтирувчи ғилдиракларининг ташқи β_T ва ички $\beta_И$ бурилиш бурчаклари, рул трапецияси ва буриш цапфалари шкворенларининг ўрнатиш бурчаклари ва параметрларига ҳамда бўйлама база ва ғилдираклар орасидаги колеяга боғлиқ бўлиб, экин қатор ораларидаги манёврчанликка сезиларли таъсир кўрсатади (3-расм).



3-расм. Тўрт ғилдиракли трактор йўналтирувчи ғилдираклари ўрнатилиш бурчакларининг схемаси

Тўрт ғилдиракли (4К2 ва 4К4) истиқболли чопиқ тракторларининг олд ўқи ва етакчи кўприги (3–5-расмлар) ҳамда рул юритмасининг параметрлари, яъни ғилдирак ва шкворенни тик текисликка нисбатан ён томонга оғиш бурчаги мос равишда $\delta_к$=3–4° ва $\gamma_ш$=7°, шкворен қувурининг бўйлама текисликка нисбатан оғиш бурчаги олдинга $\theta_ш$=3–4°, ғилдиракларни бир-бирига яқинлашиш бурчаги $\varepsilon_к$=2–3°, олд кўприк ғилдиракларининг яқинлашиш масофаси (B_3–B_1)=4–12 mm, йўналтирувчи ғилдиракнинг буриш цапфаси валини ўқига нисбатан айланиш елкаси a_e=0,5$b_ш$–(10–30) mm (бунда $b_ш$–шина профилининг эни), буриш ричагларини ўрнатилиш бурчаги $\varphi_р$=14–20° ва узунлиги $r_б$=(0,16–0,25) M_{min} бўлиши лозим.

Чопиқ тракторларида рул юритмасининг параметрлари тўғри танланган ва ростланган бўлса, олд ғилдирак шиналарининг ён томонга сурилиши, шатаксираши камайиб манёврчанлик хусусиятлари ортади. Булар олд кўприк рул юритмасига ўрнатилган рул трапециясининг параметрлари $r_б$ ва $l_к$ ҳамда буриш ричагини ўрнатиш бурчаклари $\varphi_р$ нинг мақбул қийматларига боғлиқ (4-расм).

Ҳисобий схемаларга (4 ва 5-расмлар) биноан $\beta_T^{наз}$ ни олдинги кўприк параметрларига боғлиқлиги қуйидагича ёзилади:

$$\beta_T^{наз.} = arcctg\frac{1}{L}\{B_1 - 2[l_ц(cos\delta_к - sin\delta_к tg\gamma_ш) - r_{ст}(sin\delta_к + cos\delta_к tg\gamma_ш) +$$

$$+ (A_т + C_ш)tg\gamma_ш] + Lctg\beta_И\}, \qquad (5)$$

бунда $l_ц$ – цапфанинг узунлиги, m; r_{cm} – йўналтирувчи ғилдиракнинг статик радиуси, m; $A_т$ – агротехник тирқиш, m; $C_ш$ – кўприкнинг таг қисмидан буриш ричагигача бўлган масофа, m; $\gamma_ш$ – буриш цапфаси шкворенининг тик текисликка нисбатан оғиш бурчаги, °; $\delta_к$ – ғилдиракни тик текисликка нисбатан оғиш бурчаги, °.



4-расм. Ғилдиракли тракторнинг бурилиш схемаси



5-расм. Чопиқ тракторининг олд кўпригидаги йўналтирувчи ғилдиракларни ўрнатилиш параметрлари

Йўналтирувчи ғилдиракларнинг ташқи β_T ва ички $\beta_И$ бурилиш бурчаклари ҳамда рул трапециясининг параметрлари орасида қуйидаги боғлиқлик ҳам мавжуд:

$$\beta_T = \varphi_p + arctg\,\frac{r_б cos(\varphi_p + \beta_И)}{M - r_б sin(\varphi_p + \beta_И)} -$$

$$- arcsin\,\frac{r_б + 2Msin\varphi_p - 2r_б sin^2\varphi_p - M\,sin(\varphi_p + \beta_И)}{\sqrt{M^2 + r_б^2 - 2Mr_б\,sin(\varphi_p + \beta_И)}}. \quad (6)$$

$\beta_T^{наз.}$ ва β_T бурчаклар орасидаги фарқ қанча кам бўлса, йўналтирувчи ғилдиракларнинг бурилиш жараёнидаги «ғилдиракларни тоза думаланиши» шунча юқори бўлади. Демак, рул трапециясининг мақбул параметрларига қуйидаги шарт тўғри келади:

$$\max_{0^o \le \beta_И \le \beta_{И\,max}} \left|\beta_T - \beta_T^{наз.}\right| \to min. \quad (7)$$

Тадқиқотчилар томонидан йўналтирувчи ғилдиракларнинг ўртача бурилиш бурчаги $\beta_{ўр.}$=5–8° бўлса, унинг ҳақиқий ҳамда назарий қийматлари орасидаги фарқ 2-3 фоиз ва $\beta_{ўр.}$=25–30° бурилганда хатолик тахминан 10 фоиздан ортиқ бўлмаган ҳолатлар рул трапециясини лойиҳалаш учун етарли бўлиши таъкидланган.

(7) шартдан фойдаланиш учун рул трапециясининг кинематикасини белгиловчи иккита асосий конструктив параметр – буриш ричагларининг ўрнатилиш бурчаклари φ_p ва узунликлари $r_б$ маълум бўлиши лозим. 4-расмда келтирилган схемадан фойдаланиб, буриш ричагининг ўрнатилиш бурчагини аниқлаймиз:

$$\varphi_p = arcctg\,\frac{2L_x}{M}, \quad (8)$$

бунда $L_x = \chi L$ – буриш ричаглари бўйлаб ўтказилган ўқ чизиқлар кесишган нуқтадан йўналтирувчи ғилдирак ўқигача бўлган бўйлама масофа, m.

Буриш ричаги узунлиги $r_б$ нинг 80–300 mm оралиқдаги ихтиёрий қийматлари учун унинг ўрнатиш бурчаги φ_p нинг 17°53–15°32′ оралиқдаги қийматлари шундай танланадики, бунда йўналтирувчи ташқи ғилдиракнинг ҳақиқий ҳамда назарий бурилиш бурчаклари орасидаги фарқ Δ_{min} =1°27′–1°39′ бўлиб, Δ_{min} =2° дан ошмайди. $r_б$ қийматларини ортиб бориши билан φ_p ни қийматлари камайиб, Δ_{min} нинг қийматлари ортиб боради (6-расм).



6-расм. φ_p (1) ва Δ_{min} (2) ларни қийматларининг буриш ричагининг узунлиги $r_б$ га боғлиқ равишда ўзгариши

Тўрт ғилдиракли чопиқ тракторининг бўйлама базаси L=2205 mm ва колеяси 1200-2400 mm оралиғидаги ўлчамлари учун симметрик қирқилган рул трапециясининг параметрлари $r_б$=125 mm, r_e=150 mm, $s_ш$=–100 mm, δ_e=75° бўлиб M=886-2086 mm оралиғида ўрнатилганда кўндаланг тортқининг узунлигини $l_к$=416-963,0 mm диапазонда ростланади.

Ғўза тупларининг бўйи биологик етилган паллада 80-125 cm га етади. Уларга шикаст етказмасдан ишлов бериш учун чопиқ тракторларининг олдинги ва орқа кўприкларининг агротехник тирқишлари $A_т$=810±10 mm дан кам бўлмаслиги лозим.

Тўрт ғилдиракли тракторнинг буриш цапфаси тик вали (3-расм) узунлиги $l_ш$ нинг ҳар хил қийматларида ва турли хил ўлчамдаги шиналар учун агротехник тирқишни ифодаловчи қуйидаги боғлиқлик мавжуд:

$$A_т = \frac{l_ш}{\sqrt{tg^2\theta_ш + tg^2\gamma_ш + 1}} + l_ц sin\delta_к + r_{ст} cos\delta_к - C_ш . \qquad (9)$$

(9) ифода орқали тажрибавий олд кўприкнинг қуйидаги ўзгармас бўлган $\theta_ш$=3°, $\gamma_ш$=7°, $\delta_к$=3°30′, $l_ц$ =188 mm ва $C_ш$=65 mm параметрларида унга статик радиуси $r_{ст}$=425 mm бўлган 9,00R20 русумдаги шина ўрнатилганда ҳамда тик валнинг узунлиги $l_ш$=265–435 mm да унинг агротехник тирқиши $A_т$=633–802 mm оралиғида, $r_{ст}$=501 mm ли 11,2R24 шина ўрнатилганда ҳамда тик валнинг узунлиги $l_ш$=265–435 mm оралиқда ўзгарганда агротехник тирқишнинг қиймати $A_т$=709–878 mm бўлиши аниқланди (7-расм).



1–9,00R20; 2–9,00-20; 3–11,2R20; 4–11,2-20; 5–11,2R24

7-расм. Турли хил ўлчамдаги шиналарда олд етакчи кўприк остидаги агротехник тирқишни тик валнинг узунлигига боғлиқ равишда ўзгариш графиклари

90 cm кенгликдаги қатор оралари учун чопиқ трактори ғилдираклари шиналари профилининг эни 489 mm (19 дюйм) дан, 60 cm лик қатор оралари учун эса 189 mm (7,4 дюйм) дан ошмаслиги керак. Бундан келиб чиқадики, 60 ва 90 cm ли қатор ораларида тўрт ғилдиракли чопиқ тракторини ғилдиракларига мос равишда энг кўпи билан 7,4 ва 19 дюймли шиналарни ўрнатиб ишлатиш мақсадга мувофиқ.

Баланд агротирқишли 4К4 чопиқ тракторининг олд ва орқа етакчи ғилдиракларига ўрнатиладиган шиналарда ғилдирак юритмалари кинематик нисбатлари таъминланганда улар шатаксирамайди ёки сирпамайди.

Олдинги етакчи кўприк юритмасининг узатиш сони $i_{О.К.Ю}$=11,592 бўлган қийматга кўра 4К4 тажрибавий тракторнинг йўналтирувчи (11,2-20, 11,2R24) ва орқа ғилдирак (13,6-38, 15,5-38, 16,9R38, 18,4R34) шиналарни ўзаро таққослаш орқали ғилдирак юритмаларини назарий кинематик нисбатлари аниқланди (8-расм).



1 – 11,2-20; 2 – 11,2R24; 3 – Конструкторлик ҳужжатлари бўйича

8-расм. 4К4 ғилдирак формуласидаги чопиқ тракторига ўрнатиладиган турли хил шиналарнинг ўлчамларини унинг кинематик нисбатларига таъсири

Тадқиқ этилаётган кенг қамровли машиналари билан агрегатланадиган баланд (830–870 mm) агротехник тирқишли 4К2, 4К4 ва 3К2 ғилдирак формуласидаги тракторларнинг кўндаланг қиялик бурчагининг чегаравий қиймати β_{klim} қуйидагича аниқланади:

$$tg\beta_{\kappa\,lim} = 0{,}5B_2 / h_c, \quad (10) \qquad\qquad tg\beta_{\kappa\,lim} = \frac{L(G_T - R_1)\cdot sin\alpha_{ё}}{G_T h_c} \quad (11)$$

бунда B_2 ва h_c–трактор колеяси ва масса марказининг баландлиги, mm; R_1 – 3К2 тракторнинг олд ғилдирагига тушаётган тик юкланишга қарама-қарши тупроқнинг реакцияси, N; $\alpha_{ё}$ – тракторнинг ағдарилиш ва бўйлама ўқлари орасидаги бурчак, °.

3К2 ғилдирак формуласидаги тракторнинг L=2475 mm, G_T=38,26 kN, R_1=14,22 kN, 0,5B_2=960 mm, h_c=1014 mm ҳамда 4К2 ғилдирак формуласидаги тракторнинг L=2570 mm, G_T=38,94 kN, R_1=14,48 kN, 0,5B_2=960 mm, h_c=1014 mm бўлган параметрларини (10) ва (11) ифодалар бўйича ҳисоблаш натижаларига кўра, ТТЗ-811 (3К2) трактори учун β_{klim}=29°, ТТЗ-811Т (4К2) трактори учун эса β_{klim}= 43°. Демак, кенг қамровли машиналари учун 4К2 ва 4К4 ғилдирак формуласидаги чопиқ трактори мақбул (β_{klim}=43°>[β]=35°).

«Чопиқ тракторини агротехник ўтувчанлигига олд ўқ ва етакчи кўприк параметрлари ва шиналарининг тури ва ўлчамларининг таъсирини тадқиқ этиш» деб номланган учинчи бобида кенг қамровли машиналари билан агрегатланадиган тўрт ғилдиракли (4К2 ва 4К4) чопиқ тракторлари олдинги ўқи ва етакчи кўприкларнинг асосий параметрларини агротехник ўтувчанлигига таъсири, яъни ғўза қатор оралари кенгликларини ҳисобга олган ҳолда кўндаланг габарити, абриси ва уларга ўрнатиладиган шиналарнинг фойдаланиш режимлари, юк кўтарувчанлигини бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Трактори шиналарининг ўсимликка яқинлашишининг ишончлилик оралиғи:

$$\varDelta_{и.о.} = \frac{b_к - b_{ш.и.}}{2} \pm k_э\sqrt{\sigma_1^2 + \sigma_2^2}\,, \qquad (12)$$

бунда $b_к$ – қаторларнинг кенглиги, mm; $b_{ш.и.}$ – шина профилининг даладаги кенглиги, $b_{ш.и.}$=1,08$b_ш$ (ГОСТ 7463–2003 бўйича); $k_э$– эҳтимоллик даражасини ҳисобга олувчи коэффициент; σ_1 –ўсимлик қаторларини тўғри чизиқдан оғишининг ўртача квадратик четланиши; σ_2–трактор ғилдиракларини берилган траекториядан ўртача квадратик четланиши.

Тадқиқот натижаларига кўра σ_1=±2,3 cm, σ_2=±3,8 cm. (12) ифода бўйича 90 cm ғўза қатор ораларида ишлатиш учун чопиқ тракторнинг орқа етакчи кўпригига 13,6R38, 15,5R38, 16,9R34, 16,9R38,18,4R30, 18,4R34, 18,4R38 шиналари ўрнатилганда уларнинг ўсимликларга 99,7 фоиздан кам бўлмаган ишончлилик эҳтимоли билан шикаст етказмасдан даладан ўтаолади. 9,5R42 ва 11,2R42 шиналар эса 60 cm қатор ораларидан қониқарли ўтади. 13,6R38 ва 15,5R38 шиналарини ўсимликка яқинлашиш $\varDelta_{и.о.1}$ нинг қийматлари манфий бўлганидан ўсимликларга шикаст етказади. Шу боис уларни 60 cm қатор ораларида ишлатиш чегараланган. 60 cm кенгликдаги ғўза қатор оралиғи учун 9,5R42 ва 11,2R42 шиналари тавсия этилади.

4К2 ва 4К4 чопиқ тракторларининг олд ўқи ва етакчи кўприги йўналтирувчи ғилдиракларига мос равишда 9,00R20, 7,50-20 ва 11,2R20, 11,2R24, 13,6R20, 13,6R24 шиналарни ўрнатиш тавсия этилади.

4К2 ва 4К4 тажрибавий чопиқ тракторларини олдинги ўқи ва етакчи кўприги остидаги бўшлиқнинг катталиги (9-расм) буриладиган цапфанинг кўндаланг габаритига, агротехник тирқишга, йўналтирувчи ғилдиракларидаги шиналарнинг тури ва ўлчамига ҳамда уларни ўрнатилиш параметрларига боғлиқ.



9-расм. Кенглиги 90 cm бўлган қатор ораларида олд ўқ (*а*) ва етакчи кўприк (*б*)даги ғилдирак узелларининг жойлашуви

Бунда ўсимлик қатор орасининг ярмига жойлаштириладиган олд кўприк ғилдирак узелининг кўндаланг габарити $b_г$ эркин ҳолатдаги шина профили $в_ш$ нинг ярми ва шинанинг ички четидан чиқиб турувчи буриладиган цапфа деталлари кенглиги $L_ц$ нинг йиғиндисидан иборат:

$$b_г = в_ш/2 + L_ц\,. \tag{13}$$

(13) ифодага асосан 4К2 – A_m=650 mm, 4К4 – A_m=668 mm бўлганда ғилдирак узелларининг кўндаланг габарити $b_г$ нинг қийматлари мос равишда 220 mm ва 230 mm ни ташкил этиши аниқланди. Тракторлар буриладиган цапфасининг такомиллаштирилган (узайтирилган)даги кўндаланг габарити:

$$b_у = b_п + \left(A_{тп} - A_{ту}\right) tg\gamma_ш\ , \tag{14}$$

бунда $b_у$ - тажрибавий тракторнинг буриладиган цапфасининг кўндаланг габарити, mm; $b_п$ – трактор-прототипнинг буриладиган цапфасининг кўндаланг габарити, mm; $A_{тп}$ – трактор-прототип олд кўприк асоси(корпуси) остидаги агротехник тирқиш, mm; $A_{ту}$ – тажрибавий тракторнинг оширилган агротехник тирқиши, mm; $\gamma_ш$ – буриш цапфаси шкворенининг тик текисликка нисбатан оғиш бурчаги, °.

(9) ва (14) ифодалардан $A_т \geq A_{орқ.к}$ (бунда $A_{орқ.к}$–трактор орқа кўприк ярим ўқ енглари остидаги агротехник тирқиш, m) шартдан фойдаланиб: 4К2 трактори учун 7,50-20 русумдаги $r_{ст}$=427 мм, 9,00R20 – $r_{ст}$=425 mm, 9,00-20 – $r_{ст}$=430 mm бўлган шиналарда $\gamma_ш$=7°, $\delta_к$=3°, $\theta_ш$=4°, $l_ц$ =121 mm, $C_ш$=175 mm; 4К4 трактори учун 11,2R20 – $r_{ст}$=450 mm, 11,2-20 – $r_{ст}$=460 mm, 11,2R24 –

r_{cm}=501 mm шиналарда эса $\gamma_{ш}$ =7°, $\delta_{к}$=3°30′, $\theta_{ш}$=3°, $l_{ц}$ =188 mm, $C_{ш}$ =65 mm га тенглиги аниқланди.

Тажрибавий (4К2 ва 4К4) чопиқ тракторларининг олдинги ўқ ва етакчи кўпригига ўрнатилиши лозим бўлган шиналарни статик радиус r_{cm} ларининг ўлчамларига мос ҳолда буриш цапфаси тик валининг узунлиги $l_{ш}$ ни турли хил қийматларини аниқлаш учун олиб борилган ҳисоб-китоб ишларининг натижалари 10-расмда келтирилган.



а) 1– 9,00-20; 2–7,5-20; 3–9,00R20 *б*) 1–11,2R24; 2–11,2-20; 3–11,2R20

10-расм. Олдинги ўқ (*а*) ва етакчи кўприк (*б*) остидаги агротехник тирқишни буриш цапфаси ва шиналарининг ўлчамларига боғлиқлик графиклари

Бунда турли хил буриш цапфаси тик валининг узунлиги $l_{ш}$ ва амалдаги шиналарнинг ҳар хил ўлчамдаги қийматларида баланд клиренсли этиб такомиллаштирилган цапфа кўндаланг габаритининг кенглиги 4К2 ва 4К4 ғилдирак формуласидаги тажрибавий тракторлари учун мос ҳолда b_y=220–241 mm ва b_y =230–251 mm оралиқда бўлганда тракторларнинг абрис кўрсаткичлари 827-878 mm оралиғида бўлиши аниқланди.

Диссертациянинг **«Тажрибавий тадқиқотлар натижалари»** деб номланган тўртинчи бобида баланд агротирқишли олд ўқ ва етакчи кўприклар ҳамда рул юритмалари билан жиҳозланган 4К2 ва 4К4 тажрибавий чопиқ тракторларнинг йўналтирувчи ғилдиракларни жоиз бурилиш бурчаклари, ушбу тракторларнинг кенг қамровли сеялка ва култиваторлар билан агрегатланишини тадқиқ этиш ва уларни бурилувчанлиги, барқарор ҳаракати, бошқарувчанлик хусусиятлари, манёврчанлиги ҳамда агротехникавий кўрсаткичларини баҳолаш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Тажрибавий чопиқ тракторларнинг бурилувчанлик кўрсаткичларининг назарий ва тажрибавий қийматлари орасидаги фарқ 4К2 ва 4К4 тракторларда мос равишда ΔR_T=0,14–0,38m ва ΔR_T=0,10-0,26m оралиқда ётди. Такомиллаштирилган олд ўқ, етакчи кўприк ва рул бошқармаси йўналтирувчи ташқи ғилдирак минимал бурилиш радиусининг қийматини R_{Tmin}=3,9±0,05 m бўлишини таъминлайди.

Кенг қамровли МТАнинг бошқарувчанлигини ва транспорт ҳолатида минимал бурилиш радиусини таъминлаш учун тўрт ғилдиракли чопиқ трактори олд кўпригига тушаётган масса миқдори ГОСТ 12.2.019-2005 бўйича 20 фоиздан кам бўлмаслиги лозим, акс холда бошқарувчанлик камайиб, ўсимликларга шикаст етади. 4К2 ва 4К4 чопиқ тракторлари кенг қамровли машиналар билан агрегатланганда уларнинг таянч ғилдиракларига тушаётган юкланиш ўзгариб, олдинги кўприкка тушаётган масса камаяди, бу эса манёврчанлик ҳамда бошқарувчанлик кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади. Тадқиқотларда ушбу кўрсаткичларнинг меъёр талабларга мослигини баҳолаш мақсадида лаборатория тажрибалари ўтказилди. Тажрибаларда транспорт ҳолатида тўрт ғилдиракли тракторларга кенг қамровли сеялка ва култиваторлар агрегатланганда масса марказининг бўйлама координатаси l_T нинг қиймати мос равишда 596 mm ва 537,6 mm ташкил этди (рухсат этилган чегаравий қиймати 496 mm).

Кенг қамровли чигит экиш агрегатининг ҳар бир олдинги ва орқа ғилдирак шиналарига тушаётган юкланиш коэффициенти мос равишда тракторлар бўйича: 4К2 да – 0,563 ва 1,007, 4К4 да – 0,450 ва 1,012 ҳамда чопиқ агрегатида эса 4К2 да – 0,530 ва 1,042, 4К4 да – 0,410 ва 1,052 ташкил этди. Бу қийматлар уларнинг ортиқча юкланмаганлигини билдиради. Тажрибавий тракторга кенг қамровли сеялка арегатланганда олд ва орқа ғилдиракларга юкланишларни тақсимланиши 4К2 да – 23/77 фоиз, 4К4 да – 24/76 фоизни, култиватор агрегатланганда 4К2 да – 21/79 фоиз, 4К4 да – 22/78 фоизни, бошқарувчанлик мезони K_y эса экиш агрегати учун 4К2 да – 0,23, 4К4 да – 0,24 ҳамда чопиқ агрегати учун эса 4К2 да – 0,21, 4К4 да – 0,22 ни ташкил этди.

Қаттиқ асосли фондан тупроқли асосга ўтилганда тажрибавий тракторлар ғилдиракларининг берилган йўналиш бўйича оғиши бир мунча ортганлиги ва ҳаракат тезлигини V_T =2,51; 4,26 ва 7,25 km/h гача ортиши асфалт қопламали юзада ҳам тупроқли асосда ҳам тажрибавий тракторларни амалдаги йўналиш бўйича барқарор ҳаракатининг кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатмаслиги ва белгиланган тўғри чизиқдан оғиши (±3σ) ҳимоя зонасининг рухсат этилган қийматларидан, яъни 12-15 cm дан ошмаслиги аниқланди.

